

## ЁШЛАР МАЊНАВИЯТИНИ ЎОКСАЛТИРИШДА ТАРГИБОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

**Тухтасин Худайберганович Ташметов**

Чирчик давлат педагогика университети доценти фалсафа доктори (PhD)

[toshmetovtuxtasin@gmail.com](mailto:toshmetovtuxtasin@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Жамиятда мањнавият соҳасини юксалтириш янги тарғибот технологияларини жорий этишни тақозо қилади. Ҳозирда янги технологиялар барча соҳаларда ўз самарасини кўрсатмоқда. Мафкуравий жараёнларга ҳам шу нуқтаи назардан ёндашиш мањнавиятни тарғиб қилишда инновацион технологиялардан фойдаланиш заруратини кўрсатади. Ёшлар мањнавиятини юксалтириш янги тарғибот технология асосида олиб борилганидагина ўзининг самарали натижасини беради. Шундагина биз истиқболда мањнавий баркамол инсонни, соғлом авлодни тарбиялашга эришамиз.

**Калит сўзлар:** Жамият, миллат, мањнавият, мафкура, маърифат, қадрият, миллий ғурур, ахлоқ, ор-номус, интеллектуал, баркамол, тарғибот, тарбия, инновацион, таълим, постиндустриал, кашфиёти, идеосфера, бузғунчи гоя, инсонпарварлик.

### THE IMPORTANCE OF PROMOTIONAL TECHNOLOGIES IN RAISING THE MORALITY OF YOUTH

### ABSTRACT

Raising the sphere of spirituality in society requires the introduction of new propaganda technologies. Currently, new technologies are showing their effectiveness in all areas. Approaching ideological processes from this point of view shows the need to use innovative technologies in the promotion of spirituality. Raising the morale of young people will be effective only if the new propaganda is conducted on the basis of technology. Only then will we be able to raise a spiritually mature person and a healthy generation.

**Keywords:** Society, nation, spirituality, ideology, enlightenment, value, national pride, morality, honor, intellectual, perfect, propaganda, education, innovative, education, post-industrial, discovery, ideosphere, disruptive idea, humanism.

## КИРИШ

Жамиятда маънавият соҳасини юксалтириш янги технологияларни жорий этиши тақозо қилади. Чунки бу – маънавиятни ёшлар дунёқарашига таъсирини таъминловчи мухим воситадир. Шу боис, ҳозирги вақтда маънавиятни ёшлар дунёқарашига таъсирини оширишда фундаментал ва амалий тадқиқотлар натижаларидан фойдаланиш мухим аҳамият касб этмоқда. Шу билан биргаликда, маънавиятни тарғибот қилишдаги инновацион ўзгаришлар, тизимга ҳар қандай янгиликнинг киритилиши бевосита шу соҳа вакили фаолиятини янгилаш ва ўзгартириш орқали амалга оширилиши ҳам атрофлича ўрганилган.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш технологиялари йигирма биринчи юз ийлликда, инсоният ўз тараққиётининг сифат жиҳатидан янги палласида қадам қўйди. Дунёда кенг кўламдаги ўзгаришлар содир бўлаётган бугунги кунда ижтимоий маконни ўзлаштиришнинг янги усуллари урфга айланмоқда. Технологиялар асрида ишлаб чиқаришда жорий этилган янги инновациялар меҳнат самарадорлигини жуда ривожлантириб юборди. Ҳозирда янги технологиялар барча соҳаларда ўз самарасини кўрсатмоқда. Мафкуравий жараёнларга ҳам шу нуқтаи назардан ёндашиш маънавиятни тарғиб қилишда инновацион технологиялардан фойдаланиш заруратини кўрсатади. Ёшлар маънавиятини юксалтириш янги инновацион технология асосида олиб борилганида, тадбирларнинг кетма-кетлиги, давомийлиги ва тамоиллари сингари жиҳатлар ўз ўрнини топади. Уларнинг мухимлиги шундаки, масалан, миллий мафкура тўғрисида кўп ва ноўрин гапиравериш тарғиботда меъёрнинг бузилишига сабаб бўлиб, тескари самара бериши мумкин. Тарғибот технологиясида маънавият ва миллий мафкура мазмун-моҳияти билан уни тарғиб қилиш шакл ҳамда воситаларининг мутаносиблиги самарали натижаларга эришишни кафолатлади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Миллий мафкурунинг қуйидаги мақсадларини рўёбга чиқариш бугунги куннинг ижтимоий-сиёсий жабҳадаги долзарб вазифалари сирасига киради:

- муайян ғояга ишонтириш;
- уюштириш;
- сафарбар қилиш;
- маънавий-рухий рағбатлантириш;
- ғоявий тарбиялаш;
- ғоявий ва мафкуравий иммунитетни шакллантириш;

- ҳаракатлар дастурини тузиш;

Ушбу мақсадларга эришиш халқимиз олдида турган миллий мафкуранинг бosh ғояси – «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» юз буришимизга асос бўлади.

Тарғибот маънавият мазмун-моҳиятига мос бўлган тақдирдагина кутилган самарага эришиш мумкин. Жумладан, маънавиятни тарғиб қилишда иштирок этувчи барча субъектлар қуидаги тамойилларга амал қилиши мақсадга мувофиқ:

- «узлуксизлик;
- изчиллик;
- фаоллик;
- мафкурани эътиқодга айлантириш;
- иш билан сўз бирлиги;
- шахсий ибрат;
- ҳаётийлик (ютуқлар билан бирга камчиликларни ҳам қўрсатиш)»[1].

Мамлакатимизда мафкуравий жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришнинг устувор йўналишлари қуидагилардан иборат:

- «белгиланган тадбирларнинг юқори даражада уюшқоқлик билан ўтказилишини таъминлаш;
- маънавият тарғиботининг сифатини мунтазам ошириб бориш;
- давр талабларидан келиб чиқсан ҳолда мафкуравий ишларни ташкил этишнинг янги, самарали йўлларини излаш;
- мафкуравий жараёнларни ташкил этишда ижтимоий мухитни ҳисобга олиш;
- мафкуравий фаолиятнинг қанчалик самарали олиб борилаётганини билиш мақсадида унинг мониторингини ташкил этиш»[2].

Маънавиятнинг замонавий технологиялар орқали тарғиботини ташкил қилишда қуидаги ташкилий тамойилларга амал қилиниши лозим: «кенг қамровлилик, узлуксизлик, кетма-кетлик, босқичма-босқичлик, меъёрийлик, шахсий ибрат, илғор тарғибот-ташвиқот технологияларидан фойдаланиш. Ушбу ташкилий тамойиллар И.Эргашев, Н.Бердалиев, М.Давлетова, F.Махаммаджанов ва О.Бўтаёровларнинг ўқув қўлланмасида атрофлича тавсифланган»[3].

Мазкур тарғибот тамойиллари маънавиятни инсон қалби, онги ва ички дунёсига сингдиришнинг барча босқичлари учун умумий бўлиб, турли шакл ва воситалардан фойдаланганда одамларнинг ёши, касби, жинси, маълумоти каби

хусусиятлари ҳисобга олади. Тарғибот олиб боришда санаб ўтилган тамойилларнинг муайян гурух хусусиятларига мослигини таъминлаш тарғибот самарадорлигини таъминлайдиган асосий шартлардан ҳисобланади.

Тарғибот қилинаётган ғояларнинг инсон онгидаги ахборот тарзида ўрнашиши кифоя қилмайди, улар инсоннинг қалбига етиб борганидагина, чуқур ўрнашади. Бунинг учун эса аудитория тарғиботчининг маънавиятга чуқур ишончини ҳис қилиши керак[4]. Лекин тарғиботда ғояларга эътиборни қаратиш билан ҳам қаноатланиб бўлмайди. Чунки эътиборни тортиш - тарғиботнинг дастлабки босқичи, холос.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бугунги воқелик маънавиятни замонавий технологиялар орқали тарғиботи масаласига алоҳида эътибор беришни талаб қилмоқда. Ҳозирги кунда юртимизда мафкура тарғиботини энг аҳамиятли масалалардан бири эканлигини инобатга оладиган бўлсак, унинг тарғибот-ташвиқотига ҳам янгича технологиялар, усуллар, воситаларни жалб қилиш фойдадан ҳоли эмас, деган хulosага келиш мумкин. Маънавият тарғиботининг самарадорлигини ошириш вазифаси ҳам бу жараёнда янги технологияларни кенг қўллаш заруратини кучайтиради. Мафкура тарғиботи жараёнида «тўрт қадамли» универсал модели технологияларни қўллаш борасида жаҳон мамлакатларининг илғор тажрибаларини ўзлаштириш мақсадга мувофиқ. Жаҳон тажрибасида кенг тарқалган «тўрт қадамли» универсал моделидан мафкура тарғиботи жараёнида фойдаланиш яхши самара беради. Мазкур моделнинг тавсифини бериш орқали, қўйида унинг мафкура тарғиботидаги моҳиятини мухтасар ёритамиз:

1-қадам: муаммонинг қўйилиши. Мафкура тарғиботида сингдирилиши шарт бўлган ғоялар тизими белгилаб олинади. Бундан ташқари, «Нима учун айнан ёшлар маънавиятини юксалтиришга эҳтиёж туғилди?», «Ёшлар маънавиятини юксалтириш ишларига қайси тузилмалар жалб қилиниши керак?», «Маънавиятни юксалтириш жараёнида қайси ижтимоий гуруҳлар қамраб олинади?» каби саволларга жавоб топиш лозим. Тўпланган маълумотлар асосида сингдирилиши зарур ғояларга жамиятдаги эҳтиёж, оммавий ахборот воситаларида бу масалаларнинг қай даражада ёритилганлиги ва, умуман, шу кунгача қилинган ишлар аниқлаб олинади.

2-қадам: режалаштириш ва дастурлаштириш. Бу босқич узоқ муддатга мўлжалланган бўлиб, коммуникатив вазифалар стратегиясини ишлаб чиқиши назарда тутади. Мафкура тарғиботида ёшларнинг маънавиятга муносабатлари,

уларнинг қадриятлари ўрганиб чиқилади. Бундан ташқари, кишиларни миллий истиқлол мафкурасининг муайян ғояси ҳақида доимий хабардор қилиб турувчи ахборот манбаи яратилади. Сингдириб борилаётган ғояларга кишиларнинг муносабати ўрганилиб, бу ахборотлар чуқур таҳлил қилинади. Давлат ташкилотлари ва кишилар ўртасидаги мулоқотлар мунтазам мувофиқлаштириб борилади. Умуман, бу босқичда, дастурнинг мақсади, таъсир қўрсатиш аудиторияси, кутилаётган натижалар белгилаб олиниши зарур[5]. Маънавият тарғиботида аудиторияни қисмларга, яъни уни бир неча гурухларга ажратиб ўрганиш, уларга таъсир қўрсатишнинг шу гурух учун самарали бўлган усулларини ишлаб чиқиши зарур. Бу гурухларга қадриятлари бир-биридан фарқ қилувчи қатламларни, масалан, талабаларни, тадбиркорларни, зиёлиларни, эркакларни, аёлларни, ёшларни ёки кексаларни киритиш мумкин. Табиийки, маънавиятни сингдиришда зиёлиларга етказиладиган ахборотлар билан тадбиркорларнинг кайфиятларига таъсир қўрсатиб бўлмайди. Шунинг учун ватанпарварлик туйғуларини сингдиришда талабаларга ҳам, ҳарбий хизматчиларга ҳам, зиёлиларга ҳам, дехқонларга ҳам бир хил муносабатда бўлиш, бир хил усуллардан фойдаланиш кутилган самарани бермайди. Чунки турли ижтимоий гурух вакилларининг дунёқараши, манфаатлари ва қадриятлари бир-биридан фарқ қиласи. Мафкура тарғиботида айнан мана шу гурух қадрият ва анъаналарига, манфаатларга мос воситалардан фойдаланиш кўпроқ самара бериши тажрибада исботланган. Умуман олганда, ушбу босқичда ёшларнинг онгидаги ўзгаришлар қилиш учун нималар қилиш кераклиги аниқлаб олиниши мақсадга мувофиқ.

3-қадам: мулоқотга киришиш. Маънавият ва мафкура тарғиботини самарали ташкил этиш учун асосий коммуникатив вазифалар режалаштирилган ва аниқ мақсадлар сари йўналтирилган бўлиши керак. Бунинг учун ахборот берувчи ва аудиториянинг дунёқарашини бир-бирига уйғунлаштириш лозим. Ушбу йўналишдаги ишларда қўйидаги омилларга: 1) аудитория фикрини энг кўп ифода этаётган ОАВлари турига эътибор қаратиш; 2) аудитория ишончини энг кўп қозонган ОАВ туридан кенг фойдаланиш; 3) бирор муаммо хусусидаги ахборот берувчи ва аудиториянинг қарашларидағи фарқларни камроқ қўрсатиш; 4) жараёнларни ёритишида аудиториянинг манфаатларидан келиб чиқиб ёндашиш; 5) коммуникаторнинг позициясини кўпчиликнинг позицияси сифатида талқин этиш; 6) жамиятдаги ижтимоий гурухларнинг манфаатларига мос ҳолда алоҳида ёндашиш кабиларга эътибор қаратиш талаб этилади[6]. Ахборотни етказишнинг эътиборли жиҳати янгиликлар кўринишида бўлса-да, фақат бир томонлама

мақтов шаклида эмас, балки кўпчиликни қийнаётган муаммоларнинг ечими сифатида, барчага тушунарли тилда баён этилишида кўзга ташланади. Умуман, учинчи босқич ўз ичига қуидаги элементларни қамраб олади: ҳаракат стратегияси, коммуникатив стратегия, дастурни амалга ошириш режаси.

4-қадам: якуний хулосалар ясаш. Якуний хулосалар ясаш икки йўналишда: баҳолаш мезонини ишлаб чиқиш ва тескари алоқаларни ўрганиш шаклида амалга оширилади[7]. Баҳолаш мезонини ишлаб чиқишида ёшлар маънавиятини юксалтиришга қандай таъсир этганлигини аниқлашнинг объектив мезонлари белгиланса, тескари алоқаларни ўрганишда берилган ахборотлар сони, унга кишилар томонидан қилинган реакциялар, ёшлар маънавиятини юксалтиришда ўз ҳаракатларини қай даража ўзгартирганликлари таҳлил қилинади, уларнинг мафкуравий таъсиргага жавоб реакцияси ўрганилади. Маънавиятни юксалтириш орқали унинг самарадорлигини таъминлашда бу босқич муҳим аҳамиятга эга. Чунки ёшларнинг фикрлари, баҳолари, муносабатларидаги ўзгаришларни доимий ўрганиб бориш ғоявий таъсирнинг самарасини «ўлчаш» имконини беради. Бундан ташқари, инсонларни безовта қиласиган муаммолар ҳақида доимий ахборот тўпланиб, шунга мос равиша тарғибот йўналишини ўзгартириш ёки маънавиятнинг ташвиқотини фаоллаштириш бўйича тавсиялар берилади. Жамоатчилик фикридаги бундай ўзгаришларни мунтазам ўрганиб бориш маънавиятни юксалтириш борасидаги келгуси ишлар учун замин бўлиб хизмат қиласи.

## ХУЛОСА

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган янги ислоҳотлар маънавият халқимизнинг куч-қудратига айланиши учун шароит яратди. Маънавиятни ҳар бир фуқаронинг нияти ва ҳаракатига айлантириш галдаги энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Яхши фикр яхшиликка, ёмон фикр ёмонликка йўл очади. Бу борадаги тажрибаларимиз ахборот майдонини фақат негатив контент эгаллаб олмаслиги учун миллий ғоянинг тарғиботини инновацион технологиялар орқали янгича мазмунда тўлдириш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатмоқда.

## REFERENCES

1. Азизхўжаев А. Миллий истиқлол ғояси ва тарғибот технологияси. Жамият ва бошқарув, Тошкент, 2000, 3-сон, -Б. 20.

2. Эргашев И., Бердалиев Н., Давлетова М., Махаммаджанов Ф., Бўтаёров О. Миллий ғоя тарғиботи технологиялари. –Тошкент, 2008. – 19 б.
3. Эргашев И., Бердалиев Н., Давлетова М., Махаммаджанов Ф., Бўтаёров О. Миллий ғоя тарғиботи технологиялари. –Тошкент, 2008. – 19 б.
4. Ташметов Т.Х. Миллий ғояни ёшлар онгиға сингдиришнинг замонавий усуллари. “Ёшларга оид давлат сиёсатининг ёшлар ижтимоийлашувидағи ўрни ва аҳамияти”. -Т.: 2019. В 191-195.
5. T.T Khudayberganovich. (2020). The importance of the use of innovative technologies in raising the spirituality of young people. International journal of multidisciplinary research (IJMR). –p. 25-27.
6. Ташметов Т.Х. Миллий ғояни ёшлар онгиға сингдиришнинг замонавий усуллари. “Ёшларга оид давлат сиёсатининг ёшлар ижтимоийлашувидағи ўрни ва аҳамияти”. -Т.: 2019. В 191-195.
7. T.T Khudayberganovich. (2020). Prospects for relying on the basis of the national idea in protecting young people from hard and harmful ideas. International Journal for Innovative Engineering and Management Research. A Peer Reviewed Open Access International Journal. Elsevier SSRN 9 (11) –p. 81-85.
8. Tuxtasin Xudayberganovich Tashmetov. (2021). Global yutuqlardan foydalanishda milliy g‘oyaning samaradorligini oshirish mexanizmlari. Academic research in educational sciences, 2(3), 596-602.